ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМИ ҚАРОРИ

ӨЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИКҚАЛА РАЙОНЛЫҚ
ҲӘКИМИ ҚАРАРЫ

Бўстон шаҳри

Бостон қаласы

№ 667/12

2020 йил « 11 » декабр

Туманнинг "Кичик Гулдурсин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сон Қарори ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғининг 2020 йил 14 сентябрдаги 148-сонли хатига асосан туманнинг "Кичик Гулдурсин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат хокиимияти тўғрисида» ги қонуннинг 6, 24-моддаларини қўллаб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Элликқалъа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғининг туман ҳудудида янги йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисидаги 2020 йил 14 сентябрдаги 148-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Кичик Гулдурсин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи 4н33е автомобиль йўли бўйида жойлашган туман халқ таълими бўлимига қарашли 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби олдига 1.20. (Пиёдалар ўтиш жойи) ва 1.21. (Болалар) йўл белгиси ўрнатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курбанбаев ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи (Т.Рахманов) зиммаларига юклатилсин.

4. Мазкур қарор туман "Давр кўзгуси" газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

ТУМАН ҲОКИМИ: **С.АВЕЗОВ**

ЭТХ-А- 667-15000-2020 й